

ЖИНОЯТ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ЖИХАТЛАРИ

Ходжабаева Наргиза Исаковна

PhD, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академия ўқитувчиси

e.mail.nargizahodjabaeva@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20093105>

Аннотация: Ушбу ишда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишда юзага келадиган ҳуқуқий асослар, процессуал кафолатлар ва муаммоли масалалар кўриб чиқилади. Руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга ҳамда дастлабки тергов босқичида ҳимоячининг ролига алоҳида эътибор қаратилади.

Калит сўзлар: тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, Жиноят-процессуал кодекси, жазо, хавфсизлик чораси.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган, жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланувчи сифатида жалб қилинган, суд-психиатрия экспертизаси хулосаси асосида ва суд қарорига мувофиқ руҳий касалликка чалинган шахсга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чорасидир. Агар суриштирув, дастлабки тергов ва суд мажлиси давомида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи руҳий касал ёки руҳий ҳолати бузилган деган асосли шубҳалар туғилса, суд-психиатрия экспертизаси тайинланади ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари давлат мажбурловининг ўзига хос шакли бўлиб, у ҳуқуқий чеклов ва тиббий ёрдам элементларини ўзида бирлаштиради. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, ТЙМЧ содир этилган қилмиш учун жазо сифатида эмас, балки шахсларни даволаш ёки уларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, шунингдек, улар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Ушбу механизмни ишга тушириш учун асосларга қилмиш содир этилган вақтда ақли норасолик ҳолатини ёки ундан кейин руҳий ҳолат бузилганлигини тасдиқловчи суд-психиатрия экспертизасининг хулосаси киради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддасига мувофиқ, жиноят содир этиш пайтида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва уларни бошқара олган шахс ақли расо ҳисобланади. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали ёки вақтинчалик руҳий ҳолат бузилиши, ақли заифлик ёки бошқа руҳий касаллик оқибатида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди. Жиноят содир этиш вақтида руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган ақли расо шахс жавобгарликка тортилади. Ақли расоликни истисно этмайдиган руҳий ҳолати бузилган шахсга нисбатан суд томонидан жазо билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолиятнинг вақтинча бузилиши, ақли заифлик ёки бошқа касаллик ҳолати туфайли ўз ҳаракатларига жавоб бера олмаган ёки уларни

бошқара олмаган шахслар; жиноятни ақли расо ҳолатда содир этган, ammo суд ҳукми чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларига жавоб бериш ёки уларни бошқара олиш имкониятидан маҳрум қиладиган руҳий касалликка чалинган шахслар; ва жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан жазо қўлланилмайди лекин уларга нисбатан ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 572-моддаси асосида юборилган жиноят ишларини кўриб чиқишда қуйидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин:

- оддий кузатувдаги психиатрия шифохонасига жойлаштириш;
- кучайтирилган кузатувдаги психиатрия шифохонасига жойлаштириш;
- қатъий кузатувдаги психиатрия шифохонасига жойлаштириш.

Кейинчалик руҳий ҳолати бузилган шахснинг жинояти тўғрисидаги иш бўйича, шахсда жиноят содир этилганидан кейин юзага келган ва жазо қўлланилишини истисно этадиган руҳий ҳолат бузилиши мавжудлиги исботланиши керак.

Ақли норасолик ҳолатида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш тўғрисидаги иш бўйича қуйидагилар исботланиши лозим:

1. ЖПК 82-моддасининг 1, 2 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолатлар;
2. шахсда қилмиш содир этилган пайтда сурункали ёки вақтинчалик руҳий ҳолат бузилиши, ақли заифлик ёки бошқа руҳий касаллик мавжудлиги, бунинг оқибатида шахс ақли норасо ҳолатда бўлганлиги, яъни ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) аҳамиятини англай олмаганлиги ёки уларни бошқара олмаганлиги;
3. ушбу шахснинг суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси вақтидаги руҳий ҳолати.

Ушбу тоифадаги жиноятлар бўйича Қонун ҳимоянинг юқори стандартларини белгилайди: тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича ҳимоячининг иштироки суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш ҳақида қарор чиқарилган пайтдан бошлаб мажбурийдир. Ишга киришган пайтдан бошлаб ҳимоячи, агар ҳимоя остидаги шахснинг соғлиғи бунга тўсқинлик қилмаса, у билан ҳоли учрашиш ҳуқуқига эга, шунингдек, ЖПКнинг 53-моддасида назарда тутилган барча бошқа ҳуқуқлардан фойдаланади.

Ҳимоячининг ҳуқуқларига қўйидагилар киради: тайинланган экспертга ёки умуман эксперт муассасасига раддия билдириш; эксперт сифатида муайян шахсни тайинлашни сўраш; эксперт олдида қўшимча саволлар қўйиш, экспертиза ўтказишда ҳозир бўлишга рухсат сўраш.

Ушбу асос мавжуд бўлганда, терговчи ёки суд ҳимоячининг илтимосномасини қаноатлантиради ва экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритади. Муҳим жиҳат шахснинг (ремиссия ёки қисман соғайиш ҳолатида) кўрсатув бериш ва тергов ҳаракатларида шахсан иштирок этиш ҳуқуқига риоя қилишдир, бу эса состязательность (тортишув) принципини амалга оширишга ёрдам беради.

Мазкур ишлар бўйича дастлабки терговнинг яқунланиши айблов хулосасини тузишни назарда тутмайди. Бунинг ўрнига терговчи ёки суриштирувчи ишни ТЙМЧ

қўллаш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради. Ушбу ҳужжатга қўйиладиган асосий талаб қуйидагиларни батафсил баён этиш лозим:

- қилмиш айнан шу шахс томонидан содир этилганлиги юзасидан тўпланган далиллар;
- тиббий мезонлар (касаллик хусусияти, шахснинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфлилик даражаси);
- даволашнинг муайян турига зарурати туғилганлиги (амбулатор, умумий ёки ихтисослаштирилган турдаги стационар).
- бундай шахс илгари руҳий касалликлар билан касалланганми;
- у психоневрология диспансерида ҳисобда турадими, турадиган бўлса қандай ташхис билан;
- шахс ушбу ҳисобда қанча вақтдан бери туради;
- у илгари психиатрия шифохонасига даволанганми;
- унга нисбатан илгари суд-психиатрия экспертизаси ўтказилганми;
- агар ўтказилган бўлса, нима муносабат билан ва ушбу шахснинг соғлиғи ҳолатини, унинг уйдаги ёки жамоат жойларидаги хулқ-атворини тавсифловчи бошқа ҳолатлар.

Жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш масалалари шахсни тиббий муассасага жойлаштиришда ЖПКнинг 569-моддасига мувофиқ қуйидагича ҳал қилинади: агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг руҳий ёки бошқа оғир касаллиги факти амбулатор экспертиза хулосаси ёки бошқа тиббий ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлса ва стационар экспертиза диагнозни аниқлаштириш, ақли расолик, муомалага лаёқатлилик масаласини ҳал қилиш, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини танлаш учун ўтказилаётган бўлса, у ҳолда шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, агар бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишга эҳтиёж бўлмаса, иш бўйича юритиш тўхтатилиши мумкин.

Муаммоли масалалар ва такомиллаштириш йўллари. Долзарб муаммолардан бири жабрланувчи ва гувоҳларни тиббий муассасаларга жойлаштириш масаласи бўлиб қолмоқда. Қонунчилик бундай имкониятни фақат оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар доирасида, кўрсатувларни текширишнинг бошқа усуллари бўлмаган ҳолда чеклайди. Бироқ, амалиётда ушбу иштирокчиларга нисбатан "зарурат" ва "мажбурлов"ни фарқлаш механизми, суистеъмом қилиш ҳолатларини истисно этиш учун янада аниқроқ тартибга солишни талаб қилади. Шунингдек, муҳим мезон муддатларга риоя қилиш ҳисобланади: шахснинг даволаш муассасасида бўлиш даври терговнинг умумий муддатлари билан мос келиши керак, жазо муддатларини тўғри ҳисоблаш учун эса бўлиш даври ҳақидаги маълумотлар айблов хулосасида ёки айблов далолатномасида шаффоф акс эттирилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, тиббий йўсиндаги процессуал чораларни қўллаш бўйича иш юритиш тергов органларидан жамиятни хавfli қилмишлардан ҳимоя қилиш ва руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ўртасида қатъий мувозанатни талаб қилади. Иш материаллари билан танишиш тартибини такомиллаштириш ва такрорий экспертизалар тайинлашда ҳимоячи ваколатларини кенгайтириш ушбу институт ривожланишининг устувор йўналишлари ҳисобланади.